


Solig qo'mitasi



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-269-сон ва 2023 йил 25 январдаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-14-сон фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ҳисоботини, шунингдек, Вазирлиkning функционал мажбуриятлари ва жавобгарликларини белгилайди.

Вазирлик тармоқлараро ўзаро боғлиқлик ва мувозанатни инобатга олган ҳолда мамлакатни ўрта ва узоқ муддатларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, бюджет, солиқ ва божхона-тариф соҳаларида, шунингдек, молия бозори, суғурта, фуқароларнинг пенсия таъминоти, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот соҳасида, бюджет ташкилотлари ва бюджет олувчиларни молиялаштириш, монополист корхоналарнинг товар ва хизматлари учун нарх белгилаш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг стратегик макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрларига эришишни таъминлаш функцияларини амалга оширувчи республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

Вазирлик томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ижро этиши учун мажбурий ҳисобланади.

Вазирлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, Вазирлик ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати кўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, чет эл валютасидаги ҳисобварақларига эга.

Вазирлик ўз фаолиятини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда амалга оширади.

Вазирлиkning расмий номи:

Иқтисодийот ва молия вазирининг
2023-йил "13" мартдаги 26-сон buyrug'iga
4-ilova

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийот ва молия вазирлиги то'ғ'risida
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

3-bob. Vazirlikning vazifa va funksiyalari

10. Quyidagilar Vazirlikning asosiy vazifalari hisoblanadi:

iqтisodiy o'sishni strategik rejalashtirish;

makroiqtisodiy siyosatni ishlab chiqish, muvofiqlashtirish va yuritish;

inflyatsiyani jilovlash, ichki iste'mol bozorini rivojlantirish, oziq-ovqat xavfsizligi va narxlar barqarorligini ta'minlash;

hududlarni kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlarni muvofiqlashtirib borish;

barqaror rivojlanish maqsadlariga erishish va inson kapitalini rivojlantirish;

ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturini shakllantirish, amalga oshirish va moliyalashtirish;

urbanizatsiya siyosatini yuritish;

aholini uy-joy bilan ta'minlash va ipoteka bozorini rivojlantirish;